

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

№6 / 2020

БПК БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал



ISSN 2010-6580



One Touch:

**Рақамли трансформация сари
Туронбанк билан қўйилган
мустаҳкам қадам!
4-бет**

**Ностандарт бандлик –
бандликнинг
тизимли замонавий
тенденцияси
сифатида
22-бет**

**Пандемия шароитида
яшаб қолиш учун
нима иш билан
шуғулланиш керак?
28-бет**



Барқарорлик белгиси!

**ONE
TOUCH**

Энди тўловларни
смартфон орқали
қабул қилинг!



VISA



www.turonbank.uz

[turonbank](#) [turonbankuz](#) [turonbank](#)

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

SAVDGAR BANK


Ваш бизнес-партнер!



Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK




Переводите как угодно
и куда угодно



Услуги лицензированы

71 200 27 00
www.savdogarbank.uz



Contents

June №6 (277), 2020 year

BANKING TECHNOLOGY

- 4** One touch: a strong step towards digital transformation with Turonbank!

BANKING ACTIVITIES

- 8** *Sh. Usmanova*
Increasing participation of commercial banks in the share financing of the national economy

ISLAMIC FINANCE AND BANKING SYSTEM

- 14** *A. Tursunov*
The theoretical basis of the need for Islamic banking services in commercial banks and its importance in economic growth

EMPLOYMENT OF THE POPULATION

- 22** *B. Tagaev*
Non-standard employment as a systematic modern trend of employment

- 28** *O. Norov*
What do you need to do to live in a pandemic condition?

EXPORT POTENTIAL

- 31** *D. Usmanova*
Functioning of export credit organizations: foreign experience

- 41** *U. Nadirkhanov*
Export development of the Republic of Uzbekistan: trends, problems, and prospects

FACTOR OF DEVELOPMENT

- 50** *G. Fedyasheva*
Small industrial zones: modern conditions, trends and perspective directions of development

- 58** *M. Turaev*
Localization of paper production in Uzbekistan in the context of global crisis events

- 66** *B. Koraboev*
Reflection of changes in the tax system of the republic of Uzbekistan in the World Bank's "Doing Business" rating

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,
Агробанк, Асакабанк, Алоқабанк,
Капиталбанк, Микрокредитбанк,
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,
Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки,
Ўзсаноққурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

М.Б. НУРМУРАТОВ

(кенгаш раиси),

Б.Э. ЗАХИДОВ,

О.А. БУТАЕВ,

Р.О. ОХУНОВ

(кенгаш котиби),

С.С. АННАКЛИЧЕВ,

К.Н. ИРИСБЕКОВА,

А.Қ. МИРСОАТОВ,

Ч.С. МИРЗАЕВ,

С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Директор:

Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:

В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:

Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:

Тел.: (+998)71-234-43-18,

(+998)94-677-78-04

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
<http://www.bpk.uz/>
e-mail: info@bpbk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олинган кўрсатилиши шарт. Юборилган кўлэмаларни тақриб қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обдун индекс: 853
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида

2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 22.06.2020 й.

Босишга рухсат этилди: 14.07.2020 й.

Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.

Шартли босма табоғи: 9.0

Буюртма № 31. Адади: 1450.

«SILVER STAR PRINT» МЧЖда чоп этилди

(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,

22-даха, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Афросиёб»

тезкорар поездларида тарқатилади.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналда мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қўйилган манзилга юбориш: info@bpbk.uz

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналнинг сайт www.bpk.uz сайти орқали таништириш мумкин.

Эслатиш: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғлиқлик телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг янглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

БУ СОНДА В НОМЕРЕ

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

- 4 One Touch: Рақамли трансформация сари
Туронбанк билан қўйилган мустақкам қадам!

БАНК ФАОЛИЯТИ

- 8 Ш. Усманова
Миллий иқтисодиётни улуший молиялаштиришда
тижорат банклари иштирокини ошириш

ИСЛОМ МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМИ

- 14 А. Турсунов
Тижорат банкларида ислом банк хизматларининг
зарурлиги ва иқтисодий ўсишдаги аҳамиятининг
назарий асослари

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

- 22 Б. Тагаев
Ностандарт бандлик – бандликнинг тизимли
замонавий тенденцияси сифатида

- 28 О. Норов
Пандемия шароитида яшаб қолиш учун нима
иш билан шуғулланиш керак?

ЭКСПОРТНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ

- 31 Д. Усманова
Функционирование экспортно-кредитных
организаций: зарубежный опыт



- 41 У. Надирханов
Экспортное развитие Республики Узбекистан:
тенденции, проблемы, перспективы

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ / РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

- 50 Г. Федяшева
Малые промышленные зоны:
современные условия, тенденции
и перспективные направления развития

- 58 М. Тураев
Локализация производства бумаги в Узбекистане
в условиях глобальных кризисных проявлений

- 66 Б. Корабоев
Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги
ўзгаришларнинг Жаҳон банкнинг «Бизнес
юртиш» (Doing Business) рейтингда акс
этирилиши



ONE TOUCH: РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ ТУРОНБАНК БИЛАН ҚЎЙИЛГАН МУСТАҲКАМ ҚАДАМ!

ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ ВА ТАКСИ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ ЖОНИГА ОРО КИРАДИ

Бугун дунёнинг етти миллиарддан ошиқроқ аҳолиси кичик бир заррадек касаллик ортидан хавотирли умр кечирмоқда. Кимдир сеvimли касби билан шуғуллана олмаётган бўлса, яна кимдир яқинларидан йироқда, бошқалар эса ҳаётларини хавф остига қўйиб, инсонлар саломатлиги учун туну кун курашишяпти.



Энг тараққий этган АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Германия, Италия сингари давлатларнинг кучли билимга эга олиму шифокорлари ҳам бу дардга чора топа олаётгани йўқ. Барча уринишларнинг ортида сабр ва қаноат билангина ушбу вирусни енгиб ўтиш сингари масъулиятли вазифа турибди.

ONE TOUCH

Ўзбекистон учун ҳам ушбу кунлар айрим тажрибаларни синовдан ўтказиш, доим муаммоли масалалар рўйхатининг етакчи ўринларида бўлган IT ва дастурий таъминотлар соҳаси камчиликларини тўлақонли англаш, оғрикли нуқталарни белгилаш ва, энг асосийси, «инновация, инновацион» деган сўзни ҳудда-беҳудда эмас, балки ўз ўрнида, ижроси билан ишлатишга ўргатмоқда, яшовчан бўлиш учун тизимларни рақамлаштириш керак эканлигини исботлаяпти.

Ҳар сафар жаҳон мамлакатларининг иқтисодий аҳволи акс этган тахлилий журналларни ўқиганимизда қатор рақамли тўлов компаниялари, молия дунёси ва давлат сиёсати бошқарувчиларининг «банкнот ва нақд пуллардан узоқлашиб, масофавий муносабатларни фаоллаштириш керак» деган сўзлари худдики ҳеч қачон бизнинг замин билан кесишмайдигандек туюлар эди. Аммо ҳукумат раҳбарларидан тортиб, оддий одамларни ҳам «дўппини олиб қўйиб, чуқурроқ ўйлашга» мажбур қилган ҳозирги тахликали, таъбир жоиз бўлса, фавқуллодда вазият, вақт ва сабабнинг ривожланишига алоқаси йўқлигини яна бир бор кўрсатди.

Ходимларнинг масофадан туриб ишлаши йўлга қўйилди. Унинг самараси, янги ғояларнинг вужудга келишидаги аҳамиятини Россиянинг «Тинькофф», АҚШнинг «Bank of America» сингари таниқли молия институтлари ўз фаолиятлари орқали аллақачон исботлашган эди.

Фавқуллодда масофаланишга ўтилгани боис истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш юки бир неча баробарга ошди. «Уйда қолинг», «Кўчага чиқманг» мазмунидаги қақриқлар фонида онлайн ва етказиб бериш хизматлари куннинг энг долзарб масаласига айланди. Айниқса, банклар шу ўтган икки ойдан кўпроқ вақт давомида кўплаб ўзгаришларни бошдан кечиришди. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган жозибадор хизматларнинг кенг ассортименти Ўзбекистон молия бозорида ҳам жорий этила бошланди.

Хусусан, ходимларнинг масофадан туриб ишлаши йўлга қўйилди. Унинг самараси, янги

ғояларнинг вужудга келишидаги аҳамиятини Россиянинг «Тинькофф», АҚШнинг «Bank of America» сингари таниқли молия институтлари ўз фаолиятлари орқали аллақачон исботлашган эди. Шунингдек, мамлакатимиздаги 30 га яқин тижорат банкларининг деярли барчасида мобиль иловаларнинг функционал вазифалари кенгайди, такомиллаштирилди, халқаро стандартларга мосланди. Уларнинг фойдаланувчилари қаторидан нафақат тадбиркорлар, корпоратив мижозлар, балки оддий аҳоли ҳам жой ола бошлади. Энг асосийси, ўзaro ишонч ва ҳурмат янада кучайди.



Бундан ташқари, Фарбнинг «навбат», «оворагарчилик» каби 20 йил аввалги одатларига ҳам қайсидир маънода чек қўйилиб, боз устига банкларда етказиб бериш хизматлари ҳам жорий этилди. Тасаввур қилинг-а, пластик картангизнинг амал қилиш муддати яқунланмоқда, сиз ўзингиз мижоз бўлган молия муассасасининг расмий веб-сайти ёки мобиль иловаси орқали янги картага буюртма беряпсиз ва бир неча кун ичида улар картани уйингизга олиб келиб беришяпти.

Албатта, бунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси» ҳамда «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги каби қатор фармон ва қарорларнинг ўрни аҳамиятлидир. Ўз вақтида, тўғри ташланган қадам ва белгиланган вазифалар оғир кунлардан беталафот ўтиш билан бирга, одамларимизнинг узоғини яқин, мушуқлини осон қилишда қўмакчи бўлмоқда.

Ушбу синовли кунларда ўз жамоаси билан муносиб ирода кўрсатган Туронбанк ҳам аҳоли учун хоҳ халқаро пул ўтказ-

малари тизимида бўлсин, хоҳ пластик карточкаларни онлайн расмийлаштириш борасида бўлсин – қўллаб янги хизматларни тақдим этди. Аҳамиятлиси, банк мамлакат молия секторида ҳали ўхшаши бўлмаган, янги ноу-хауларни татбиқ этиш баробарида соғлом рақобат муҳитида анча илдамлаб кетди.

Навбатдаги хизмат ҳам сўзимизнинг яққол мисоли. Энди Туронбанк ишбилармонлар учун «Нито» терминалларини смартфонларга алмаштириш имконини тақдим этмоқда. Тасаввур қилинг, «One Touch» тизими орқали энди Сиз тўловларни қабул қилиш учун қурилма, унинг қувватлагичларини кўтариб юришингиз шарт бўлмайди, шунчаки уяли телефонингизга (NFC тизими мавжуд андронид телефонлар) картани текказасиз ва маблағларни қабул қилиб оласиз. Энди

савол туғилиши табиий – бу кимга ва нима учун керак?

Турган гапки, бугунги замонавий техника асри инсонлар ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилувчи янги ишланмаларни тақдим этиш баробарида уларнинг турмуш тарзлари ва умр кечириш даражаларини ҳам бирмунча ўзгартириб юборди. Яъни ҳозирги урбанизация шароитида кенг жамоатчилик вақтдан имкон қадар унумли фойдаланиш, бир қанча юмушларни биргина ҳаракатнинг ўзида амалга оширишга интилмоқда. Бунинг натижасида сифатли ва барча АКТлар билан таъминланган етказиб бериш ҳамда такси хизматига бўлган талаб ошиб борапти. Доимий иш билан банд бўлган аҳолининг деярли барчасида банк пластик карточкалари борлигини инобатга олсак, нақд пул

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олишда Туронбанк ва «Нито» тўлов тизими ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «One Touch» хизмати қўл келиши аниқ. Сабаби, у бевосита қўл телефонингизга уланган бўлади ва Сизни ортиқча оворагарчиликлардан халос қилади. Фақатгина тизимни бепул фаоллаштириш учун банкка ташриф буюришингиз талаб этилади, холос.

**TAXI**

Статистик маълумотларга қараганда, нақд пул билан муомала қилувчи такси ҳайдовчилари кунига 80–100 минг сўмгача фойда олишса, терминаллари мавжуд таксичилар 2 баробар кўпроқ пул топишар экан. Фақатгина кўп ҳолларда терминалларни олиб юриш, пластик карточка билан бўладиган амалиётларни бажаришга тоқат қилмайдиганлар ҳам учрайди. «One Touch» хизмати билан эса энг нозиктаъб мижознинг ҳам кўнглини олиш мумкин бўлади.

билан муомала қилувчи такси ҳайдовчиларидан кўра, автомобилида тўловларни қабул қилиш учун терминали мавжуд такси фойдалироқ бўлмоқда. Аммо улар ҳам кўп ҳолларда мазкур терминаллар ишламаётгани, куввати тугаганини айтиб истемолчиларнинг норозиликни келтириб чиқаришмоқда.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олишда Туронбанк ва «Нупо» тўлов тизими ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «One Touch» хизмати қўл келиши аниқ. Сабаби, у бевосита қўл телефонингизга уланган бўлади ва Сизни ортиқча овозагарчиликлардан халос қилади. Фақатгина тизимни бепул фаоллаштириш учун банкка ташриф буюришингиз талаб этилади, холос.

Статистик маълумотларга қараганда, нақд пул билан муомала қилувчи такси ҳайдовчилари

кунига 80–100 минг сўмгача фойда олишса, терминаллари мавжуд таксичилар 2 баробар кўпроқ пул топишар экан. Фақатгина кўп ҳолларда терминалларни олиб юриш, пластик карточка билан бўладиган амалиётларни бажаришга тоқат қилмайдиганлар ҳам учрайди. «One Touch» хизмати билан эса энг нозиктаъб мижознинг ҳам кўнглини олиш мумкин бўлади. Агарда Сизнинг уяли алоқа воситангизда NFC тизими мавжуд бўлмаса, хавотирга ўрин йўқ. Туронбанк энг сифатли маиший техника сотувчи корхона билан ҳамкорликда мана шундай энг сўнгги русумдаги телефон харид қилишингиз учун кредит ажратишга ҳам тайёр. Банкдан молиявий кўмак эвазига ҳали Ўзбекистонда ўхшаши бўлмаган тизимни ёқтирасиз ва янги смартфонлик бўлиб ҳам оласиз.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мақсади ҳам аслида шу: янгилик яратишдан кўрқмаслик ва одамларимиз ҳаётини имкон қадар энгиллаштириш, замонавиининг энг мураккаб чақириқларига тайёр туриш ва бу йўлда собитқадам бўлиш. Мана шундай залвори оғир масъулиятли вазифани ўзининг энг олий мезонига айлантирган Туронбанк ҳаракатдан ҳеч ҳам тўхтамайди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Халқнинг эртаси бугунидан яхши бўлиши керак».

Банк Ахборот хизмати.

1 ABSTRACTS


ONE TOUCH: A STRONG STEP TOWARDS DIGITAL TRANSFORMATION WITH TURONBANK!

This article describes the introduction of advanced technologies by Turonbank, one of the leading banks in the country, in particular, the installation of software that allows smartphones to perform the functions of payment terminals and its advantages.

Агарда Сизнинг уяли алоқа воситангизда NFC тизими мавжуд бўлмаса, хавотирга ўрин йўқ. Туронбанк энг сифатли маиший техника сотувчи корхона билан ҳамкорликда мана шундай энг сўнгги русумдаги телефон харид қилишингиз учун кредит ажратишга ҳам тайёр. Банкдан молиявий кўмак эвазига ҳали Ўзбекистонда ўхшаши бўлмаган тизимни ёқтирасиз ва янги смартфонлик бўлиб ҳам оласиз.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ УЛУШИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ

Мамлакатлар иқтисодий ўсишининг замонавий асосий омили билимлар иқтисодиётини қуриш ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиётнинг барча секторларини жорий қилиниши жуда катта маблағ талаб қиладиган инновациялар билан ривожлантириш керак. Сўнгги йилларда республикамизда иқтисодиётни бошқаришнинг эскирган усулларидан воз кечиб, инновацион менежмент, лойиҳавий менежмент каби илғор усулларга юз тутиб, миллий капитал бозорининг жаҳон бозорига интеграцияланиш даражасини ошириб бориш асосий масалалардан бири деб ҳисобланмоқда ва уни ривожлантириш янги концепция асосида амалга оширилмоқда.



*Шаҳноза Усманова,
«Агробанк» АТБ Навоий
вилоят бошқармаси
Ички назорат хизмати
бўлими бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тингловчиси*

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар

Тижорат банклари томонидан корхоналарни инвестициялаш, жумладан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда ва бунга тижорат банклари амалиёти замон талабларидан орқада қолаётгани сабаб бўлмоқда.

самарасини янада ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори ва банк-молия секторини бир-бирига монанд равишда ривожлантиришнинг янги истиқболларини очишга хизмат қилмоқда (ПФ-4947, 2017 й.). Хусусан, республика макроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш ва иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификациясини чуқурлаштириш, товар ишлаб чиқарувчилар

ва хизмат кўрсатувчиларнинг глобал бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, банк-молия секторини замонавий молия бозорининг фаол иштирокчисига айлантириш борасида қатор чоратadbирларни амалга ошириш белгилаб берилганди.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан корхоналарни инвестициялаш, жумладан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда ва бунга тижорат

банклари амалиёти замон талабларидан орқада қолаётгани сабаб бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: «...банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим. Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10–15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўлмали трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади. Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган «лойиҳалар фабрикаси» фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим», – деб бежиз айтмаган эдилар.

Жаҳон амалиётида инвестиция фаолиятининг асосий юритувчиларидан бири тижорат банклари бўлиб, улар нафақат тўғридан-тўғри инвестициялар, балки портфель ин-

Корхона ва банкларнинг устав фонди инвесторларнинг улуший капиталга киритган инвестициялари ҳисобига шакллантирилади. Бунда инвестицион молиялаштириш объектларига киритиладиган мулклар моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин.

вестицияларини ҳам амалга оширмоқдалар. Бунда инвестициялашнинг жуда ҳам самарали ва илғор усуллари қўлланилмоқдаки, уларни мамлакатимиз амалиётига ҳам жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бугунги кунда мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда стратегик инвестор сифатида ёки фонд биржасида портфель инвесторлари сифатида тижорат банкларининг иштироки имкониятдагига қараганда жуда паст бўлмоқда ҳамда банк сектори миллий иқтисодиётни инвестициялашда муносиб ўрин тутмаяпти. Айниқса, корхоналар устав фондини шакллантиришда тижорат банкларининг ўз улушлари билан иштироки дара-

жаси жуда паст. Бироқ ушбу ҳолатга эмитент корхоналарнинг ўзлари ҳам сабабчи. Уларнинг эмиссия фаоллиги жуда суст, эмиссия қилган оз ҳажмдаги акциялари ва облигациялари эса даромадлилик, риск даражаси ва ликвидлик жиҳатидан инвесторларнинг, шу жумладан тижорат банкларининг талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг улуший капиталга инвестиция қилиш билан кенг қўламда шуғулланишлари давлат томонидан рағбатлантирилиши етарли эмас.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг мавжуд бўлиши Ўзбекистон иқтисодиётини улуший молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини



Иқтисодиёт реал секторида тижорат банкларининг инвестиция фаолияти борасида хорижий тажрибадан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, активлари бўйича энг йирик ўнликка кирувчи гигант банкларнинг ҳаммаси фаол инвестиция фаолиятини юритадилар, шу жумладан улуший молиялаштириш билан шуғулланадилар.

ошириш йўллари кидириш заруриятини келтириб чиқаради.

Корхона ва банкларнинг устав фонди инвесторларнинг улуший капиталга киритган инвестициялари ҳисобига шакллантирилади. Бунда инвестицион молиялаштириш объектларига киритиладиган мулклар моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин («Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун, 2014 й.).

Ривожланган мамлакатларда банк сектори мамлакат фонд бозорининг асосий инвесторларидан бири ҳисобла-


нади (Леонтьев ва б., 2014 й.). Леонтьев (2014 й.) банкларнинг инвестицияларига тор маънода активларни диверсификация қилиш мақсадида банклар томонидан қимматли қоғозларга инвестиция кириши, қўшимча даромад олиш ва банк ликвидлигини сақлашдан иборат, дея таъриф берган. Банк инвестицияларининг йўналиши тўғридан-тўғри инвестицияларга ва портфель инвестицияларига бўлинади.

Инвестициялар пул кўринишида, қимматли қоғозлар кўринишида, бошқа мол-мулк кўринишида ва мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар кўринишида бўлиши мумкин. Ривожланган

мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти даромад келтириш нуқтаи назаридан банк даромадлари таркибида кредит фойзидан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

Банкнинг инвестиция стратегияси мақсадларнинг уйғунлашуви асосида яратилади, яъни:

- қимматли қоғозлар эмиссияси асосида аънавий инвестиция фаолияти учун қўшимча пул маблағларини жалб қилиш;
- маблағларни қимматли қоғозларга инвестициялашдан банкка тўланадиган фойзалар ва дивидендлар ҳамда қимматли қоғозларнинг курс бўйича қиймати ўсиши ҳисобига фойда олиш;
- банк таъсир кўрсатиш доирасида рақобатни кенгайтириш ҳамда корхоналар ва ташкилотлар жамғармасида қатнашиш ҳисобига мижозларни жалб қилиш;
- банкнинг ликвид маблағларига қўйилмалар даромадлигини таъминлаган ҳолда ликвидликнинг керакли захирасини ушлаб туриш;



Жадвал

Активлар ҳажми бўйича дунёда етакчилик қилувчи тижорат банкларининг биринчи ўнлиги

T/p	Тижорат банклари	Активлар ҳажми, млрд. АҚШ долл.	Бозор капитализацияси, млрд. АҚШ долл.
1	Industrial and Commercial Bank of China (ICBC)	4009	180,7
2	China Construction Bank Corporation	3400	253,0
3	Agricultural Bank of China	3235	204,0
4	Bank of China Ltd	2991	180,7
5	Mitsubishi UFJ Financial Group	2780	111,7
6	JPMorgan Chase	2533	332,2
7	HSBC Holdings plc	2520	154,7
8	BNP Pariba	2357	84,3
9	Bank of America (BoA)	2281	325,3
10	Crédit Agricole	2117	308,2

Манба: <https://ru.fxssi.com/top-20-krupnejshix-bankov-mira>.

• қонунчилик билан рухсат этилган қўшимча хизматларни амалга оширишдан фойда олиш.

Шарп ва бошқалар (1997 й.) инвестицияларни 2 турга, яъни реал ва молиявий инвестицияларга ажратган. У реал инвестициялар деганда уларнинг ер, асбоб-ускуналар, завод-фабрикалар каби моддий ҳис қилинувчи активларга киритилиши билан ҳамда молиявий инвестициялар деганда уларнинг оддий акция ва облигацияларга киритилиши билан изоҳлаган. Игошин (2000 й.) инвестиция – пул маблағларини сармояни қайта яратиш, уни сақлаб туриш ва кенгайтириш йўлида сарфлаш деб тушунтириб, инвестиция бўш пул маблағларини молиявий ва моддий бойликларнинг турли шакллари сарфлашдан иборатлигини айтиб ўтган. Игонинанинг (2014 й.) фикрича, банк инвестиция жараёнларида иштирок этишининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

◆ Банклар томонидан инвестиция мақсадлари учун маблағлар жалб этиш;

◆ Инвестиция кредитларини тақдим этиш;

◆ Қимматли қоғозларга, пай ва улуш иштирокига маблағлар киритиш.

Белоглазова ва Кроливецкаяларнинг (2015 й.) фикрича, аслида «банк инвестицион фаолияти» ва «инвестицион банк» тушунчалари бир хил маъно эга.

Иқтисодиёт реал секторида тижорат банкларининг инвестиция фаолияти борасида хорижий тажрибадан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, активлари бўйича энг йирик ўнликка кирувчи гигант банкларнинг ҳаммаси фаол инвестиция фаолиятини юритадилар, шу жумладан улуший молиялаштириш билан шуғулланидилар (Жадвал).

Кўриниб турибдики, топ ўнликдаги банкларнинг ўзлари инвесторлар томонидан 2,1 трлн. АҚШ долларига улуший молиялаштирилган.

Республикамизда улуший молиялаштиришда тижорат банклари иштироки амалдаги меъёрлар тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда 1894-сон билан рўйхатга олинган, «Ти-

жорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга асосан тижорат банклари қимматли қоғозларни харид қилиш (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишда куйидагиларга риоя этишлари шарт (32/2-сонли Қарор, 2008 й.):

а) банкнинг муайян юридик шахс устав капиталига, шунингдек, ушбу юридик шахснинг бошқа қимматли қоғозларига киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

б) банкнинг юридик шахслар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун қимматли қоғозларга киритилган банк инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регу-

Тижорат банкларига эмитент – акциядорлик жамиятлари билан ушбу жамият акциялари бўйича «репо» битимларини амалга ошириш тақиқланади, деб шарт қўйилган. Агар бошқа юридик шахс банк учун инвестиция объекти сифатида истиқболли бўлса ва унинг устав фонди бозор қиймати банк активларининг 1 фоизидан кичик суммага тенг бўлса, ушбу ҳолда ҳам ушбу меъёр банкка самарали инвестиция фаолиятини юритишга халақит бериши мумкин.

лятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Биринчи даражали банк регулятив капитали тахминан устав капитали даражасида бўлади. Ўзбекистон банкларида бу жами активларнинг тахминан 5–10 фоизини ташкил қилади. Демак, банк а) пункти бўйича активларнинг 1,5 фоизигача, в) пункти бўйича эса жами активларнинг 2,5 фоизигача инвестиция қиритиши мумкин, холос. Албатта, банк активлари чуқур диверсификация қилинган бўлиши керак. Бироқ даромадлилик ва риск жиҳатидан банк учун жуда қулай акциялар ёки облигациялар билан боғлиқ ушбу норматив банкнинг самарали инвестиция сиёсатини юритишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бундан ташқари, Низомга кўра тижорат банки бевосита ёки билвосита (шуъба корхоналар орқали) бошқа юридик шахс устав капиталининг 26 фоизидан ортиқ қисмига эгалик қила олмайди (айрим ҳолатларни истисно қилганда).

Бундан ташқари, тижорат банкларига эмитент – акция-

дорлик жамиятлари билан ушбу жамият акциялари бўйича «репо» битимларини амалга ошириш тақиқланади, деб шарт қўйилган. Агар бошқа юридик шахс банк учун инвестиция объекти сифатида истиқболли бўлса ва унинг устав фонди бозор қиймати банк активларининг 1 фоизидан кичик суммага тенг бўлса, ушбу ҳолда ҳам ушбу меъёр банкка самарали инвестиция фаолиятини юритишга халақит бериши мумкин. Ваҳоланки, банк жами активларига нисбатан кичик улушга эга бўлган инвес-

тициялар устав фондларининг каттароқ улушига ҳам инвестиция қилиниши инвестицион рискларни орттирмайди. Бунда ҳар бир алоҳида инвестициялаш объекти бўйича махсус инвестицион қўмитанинг эксперт хулосаси хатоликларнинг олдини олишда катта кўмак бериши мумкин. Ҳоқоридагиларга ўхшаш нормативларда ўрнатилган чекловлар банклар молиявий фаолияти хавфсизлигини кўзлаб киритилган бўлса-да, тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кўламига уларнинг салбий таъсирини фараз қилиш мумкин.

Республика банклари инвестиция фаолияти амалиётини «Ипотека банк» АТИБ мисолида кўриб чиқайлик. Банк улуший молиялаштириш каби инвестицион фаолиятни барқарор жалб қилинган капиталга асосланиб қилиши хавфсиздир. Масалан, банк ўзининг оддий акциялари умумий қиймати (кўп ҳолларда устав капитали ҳажми) барорида узоқ мuddатли инвестицияларни амалга ошириши мумкин. «Ипотека банк» АТИБ жами соф инвестицияларининг оддий акциялар умумий қийматига



Диаграмма

«Ипотека банк» АТИБ соф инвестицияларининг оддий акциялари умумий қийматиға нисбати динамикаси



Манба: «Ипотека банк» АТИБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

нисбати динамикасини таҳлил қилиш қуйидаги хулосага олиб келди (Диаграмма):

■ банк инвестицион фаолият билан нисбатан фаолроқ шуғулланган йилларда ҳам (2012 й.) имкониятининг фақат 50 фоизи даражасида соф инвестицияларга эга бўлган;

■ ушбу ҳолат ҳам пассив тенденциясига учраб, 2019 йилга келиб соф инвестициялар суммаси устав фондининг 5 фоизидан кам даражага эга бўлиб, жами активларнинг эса зўрға 0,55 фоизинигина ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талабларни ҳажон амалиёти тажрибасига асосланган ҳолда ва миллий иқтисодийни улуший молиялаштиришга банкларни кенгроқ жалб қилиш заруриятини инобатга

олиб тубдан қайта кўриб чиқиш ва меъёрий қийматларни енгиллатиш.

2. Республиканинг «Ипотека банк» АТИБ каби йирик банклари инвестиция сиёсатлари ва улуший молиялаштириш концепцияларини қайтадан ишлаш, хусусан банк активларининг камида 10 фоизини узоқ муддатли улуший молиялаштиришга қаратиш.

3. Ўзбекистон иқтисодий реал секторидаги катта ҳажмдаги улуший молиялаштиришга муҳтож бўлган акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсатларини улар чиқараётган акциялар инвестицион жозибadorлигини оширишга қаратиш, даромадлилиги қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган акциялар ва облигациялар чиқарилишига устуворлик бериш.

4. Улуший молиялаштиришда банкларнинг билвосита иштирокчилигини ошириш учун тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан РЕПО битимларини амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан каттароқ имкониятлар яратиш.

4. Улуший молиялаштиришда банкларнинг билвосита иштирокчилигини ошириш учун тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан РЕПО битимларини амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан каттароқ имкониятлар яратиш.

ABSTRACTS

INCREASING PARTICIPATION OF COMMERCIAL BANKS IN THE SHARE FINANCING OF THE NATIONAL ECONOMY

The author of the article gives many examples from foreign experience of investment activities of commercial banks in the real sector of the economy and notes that all the giant banks in the top ten in terms of assets are actively engaged in investment activities and equity financing. According to the author, the participation of commercial banks in the financing of investment projects in our country as a strategic investor or portfolio investors on the stock exchange is much lower than possible and the banking sector does not play a worthy role in investing in the national economy.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДАГИ АҲАМИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Анвар Турсунов,

Тошкент Молия институти Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши кафедраси ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи


Бугунги кунда ислом молияси капиталининг учдан икки қисмини ислом банклари улуши ташкил қилади. Тижорат банкларида ислом банки хизматларини ташкил қилиш орқали COVID-19 пандемиясининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш, бўш иш ўринлари яратиш ва банклар ўртасида рақобат муҳитини янада кучайтириш мумкин.

Ислом банки тизими бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланиб бораётган ва инновацион молиялаштириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Ислом банки тизимини татиқ қилиш масаласи юртимиз тадбиркорлари томонидан ечимли узоқ йиллар давомида қўйлаётган масалалардан биридир.

Ислом банклари деганда шариат (Исломий қоидалар) тамойилларига мос келадиган банк хизматларини

амалда қўллайдиган банк ёки банк фаолияти тизими тушунилади. Барча муомалаларда ахлоқий кадрятларни юксак кадрлайдиган тамойиллар ўзига хос жозигага эга. Шариат пул бериш ёки қабул қилиш, шунингдек, унинг тамойилларига зид деб ҳисобланган товарлар ёки хизматлар кўрсатадиган савдо ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш учун фоиз тўловларини тўлаш ёки қабул қилишни тақиқлайди. Илгари ушбу тамойиллар гуллаб-яшнаган иқтисодиёт-

нинг асоси сифатида ишлатилган бўлса ҳам, XX аср охирида бир қатор ислом банклари мусулмонларга муқобил асос яратиш учун шакллантирилган эди, ўз навбатида ислом банки хизматлари фақат мусулмонлар билан чекланиб қолмай, балки миллати, диний мансублигидан қатъи назар барча қандан фойдаланиши мумкин эди.



МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

«Ислом иқтисодиёти» атамаси илк бор ҳиндистонлик мусулмон олими Саййид Маназир Филонийнинг 1947 йилда урду тилида чоп этилган «Ислом иқтисодиёти» китобида қўлланилган. Саудиялик иқтисодчи олим Муҳаммад Умар Чапранинг фикрича, ислом иқтисодиёти – тақчил ресурсларни ислом дини таълимотига мувофиқ равишда тақсимлаш воситасида инсон фаровонлигига эришиш учун ёрдам берувчи билимлар тизимини ўзида акс эттиради, бунда шахс эркинлигининг дахлсизлиги таъминланади ҳамда макроиқтисодий ва экологик но-мувофиқликка, яъни исрофга йўл қўйилмайди².

Нуфузли фикшунос олим Юсуф Қарзовий ва Тақий Усманий ислом банк хизматлари ва унинг алоҳида жиҳатлари

Ислом банклари деганда шариат (Исломий қоидалар) тамойилларига мос келадиган банк хизматларини амалда қўллайдиган банк ёки банк фаолияти тизими тушунилади.

бўйича кўплаб машҳур асарлар муаллифлари ҳисобланади³.

Немис олими Александр Вальтерс 2013 йилда Марказий Осиёда ислом молиясининг стратегиялари, институтлари ва илк тажрибалар тўғрисида монография ёзган. Ушбу илмий ишда Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон ёпиқ мамлакат бўлганлиги сабабли ҳали-бери ислом молияси ривожланмаслиги ва бунда Қозоғистонда имкониятлар кенлиги ҳамда ислом молиясининг маркази бўлиши мумкинлиги айтиб ўтилган⁴.

Марказий Осиёда тадқиқот олиб борган

олимлардан Байдаулет Ерлан 2014 йилда «Ислом молияси асослари» китобини ёзди. Асарда ислом молияси хизматларининг Марказий Осиёда ривожланиши Қозо-

² Ahmad, M. Abu-Alkheil (2012) "Ethical Banking and Finance: A Theoretical and Empirical Framework for the Cross-Country and Inter-bank Analysis of Efficiency, Productivity, and Financial Performance" Ltd. Germany.

³ Bekkin R.I., 2009, Islamic economic model and modernity. Marjani Publishers, Moscow.

⁴ Alexander Walters, Islamic Finance in the States of Central Asia: Strategies, Institutions, First Experiences // 2013 - PFH Gottingen.



фистон мисолида кўрсатиб ўтилган⁵.

Тижорат банкларида ислом банки хизматлари маълум бир қоидалар асосида фаолият кўрсатади. Ушбу қонунлар мажмуи шариат томонидан белгиланган бўлиб, қуйидаги тўрт манбадан ташкил топган. Биринчиси – муқаддас Қуръон бўлиб, у диний билимларнинг асл ва ўзгармас манбаси ҳисобланади. Қуръон Жабройил Алайҳиссалом воситасида пайғамбар Муҳаммад саллолоҳу алайҳи васалламга етказилган Аллоҳнинг ваҳийларини ўз ичига олган бўлиб, бутун инсониятга йўлланган илоҳий кўрсатма ҳисобланади.

Мазкур қонунларнинг иккинчи манбаси «ҳадислар» дир. Улар пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В.нинг суннатлари, айтган сўзлари, кўрсатмалари, қайтариқларидан иборат. Албатта, биринчи манбани, яъни Қуръонни тушунишда ҳадислар жуда муҳим ўрин тутди.

Шариат қонунини шакллантирувчи учинчи манба «Ижмо» деб аталади. Ижмо омма муслмонлари томонидан танилган ва тан олинган таниқли исломий олимлар томонидан бир масала ёки ҳолат учун ишлаб чиқилган ечимлардир. Ислому шариатида Қуръон ва суннатдан мустақил ҳукм чиқариш даражасида илмга эга олимлар «Мужтаҳидлар» деб аталади.

Тўртинчи манба «қиёс» деб номланади. Ушбу атаманинг моҳияти «ўлчаш» ёки иккита ўхшаш ҳодисани таққослашни билдиради. Қиёс мураккаб, мунозарали янги масалалар бўйича Қуръон ва ҳадислар асосида мужтаҳид олимлар томонидан берилган фатво

(ечим)дир. Масалан, муслмонлар ҳаётида янги масала пайдо бўлди. Айнан шу масала Қуръонда ҳам, Суннатда ҳам зикр қилинмаган, аммо шунга ўхшаш бошқа масала бор. Уламолар ана ўша масала билан янги пайдо бўлган масалани таққослаб ҳукм чиқарадилар⁶.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Молиявий инқирозлар кўп кузатилган сўнгги йилларда Ислому банки активлари анъанавий банклар билан таққослаганда йилига ўртача 17-20 фоиз, яъни 2-3 баравар тезроқ ўсиб борди⁷.

Ислому банки хизматлари анъанавий банкниқидан туб-

Молиявий инқирозлар кўп кузатилган сўнгги йилларда Ислому банки активлари анъанавий банклар билан таққослаганда йилига ўртача 17-20 фоиз, яъни 2-3 баравар тезроқ ўсиб борди.

⁵ Baidautlet Yerlan. *Basics of the ethical Islamic finance* // 2014 – Алматы.

⁶ Э.А. Байдаулет, Х. Хасанов. «Ислому молияви асослари». – Ўзбекистон, 2019. – 401-бет.

⁷ Citibank annual report 2018, Citi Research, Reuters, SNL Research.



Ислом банки хизматлари анъанавий банк-никидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ислом қонунлари қарз олди-бердисида фоиз (рибо) олиш ва тўплашни қатъий тақиқлайди. Муслмонларнинг даромадлари ҳалол, тўғри йўллар орқали келиши керак.

дан фарқ қилади. Хусусан, ислом қонунлари қарз олди-бердисида фоиз (рибо) олиш ва тўплашни қатъий тақиқлайди. Муслмонларнинг даромадлари ҳалол, тўғри йўллар орқали келиши керак. Шунингдек, маблағларни сарфлаш ҳам хоҳ у ўз эҳтиёжи учун бўлсин ёки жамият эҳтиёжи учун бўлсин, шариатга мувофиқ тарзда амалга оширилиши лозим. Ҳамма мулк Аллоҳники ва у жамият ўртасида биргаликда фойдаланиш учун яратилгандир. Мулки нисобга етган муслмонлар бечора, камбағал ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмига кўмак бериши керак. Бу эса ислом устунларидан бири бўлган закот тизими орқали амалга оширилади.

Ислом банки хизматларининг пайдо бўлиши пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. даврига бориб тақалади. Кейинчалик замонавий банкчилик сифатида шаклланиши 18-бетдаги жадвалда акс эттирилган.

Исломшунос олимлар шариатга мос келадиган шартномаларни молиялаштириш орқали анъанавий банк хизматларидан муқобил ислом банки хизматларини ишлаб чиқдилар. Шариат талабларига жавоб берадиган банк хизматларига талаб юқори бўлганлиги сабабли Яқин Шарқ ва Осиёнинг кўплаб минтақаларида, жумладан Малайзия (1963), Бангладеш (1983) ва Индонезияда (1991) кўплаб ислом банклари ташкил этил-

ди. Ислом тараққиёт банки (ИТБ) 1975 йилда минтақавий ривожланиш институти сифатида ташкил этилди ва бундан кўзланган мақсад муслмон мамлакатларининг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ҳамда шариатга мувофиқ молиялаштиришдир⁸.

Ислом банки принциплари экстремал капитализм ва коммунизм ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. У одамга бойлик яратиш ва бойлик бериш эркинлигини тақлиф этади, шу билан бирга инсонни инсонлар томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосида эмас, балки ниятнинг самимийлигини талаб қиладиган ахлоқий қоидалар ва хулқ-атвор меъёрларини ўрнатадиган илоҳий раҳбарлик тамойиллари билан жамиятни тартибга солишни назарда тутди. Инсоният ушбу қоидалар ва меъёрларга амал қилса, бутун жамият учун тинчлик ва фаровонлик бўлади ҳамда ресурслар жамият аъзолари ўртасида адолатли тақсимланади.

⁸ Ahmad, M. Abu-Alkheil (2012) "Ethical Banking and Finance: A Theoretical and Empirical Framework for the Cross-Country and Inter-bank Analysis of Efficiency, Productivity, and Financial Performance" Ltd. Germany.



Манба: Citibank ҳисоботи, 2018 й. асосида муаллиф томонидан мустақил тузилди.



Манба: <https://assets.publishing.service.gov.uk>.

Ислом банки хизматлари зарурлиги ва иқтисодий ўсишдаги аҳамиятининг назарий асосларини қуйидаги мезонлар воситасида кўриш мумкин:

1. Муайян шахсга бойлик орттириш ва иқтисодий фаровонликни ошириш ҳуқуқини бериш билан бирга, Ислом иқтисодиёти бундай иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ҳалол (рухсат берилган) ва ҳаром (тақиқланган ёки ноқонуний) йўлларнинг чегарасини белгилаб беради. Ислом шариати кенг маънода иқтисодий ёки ижтимоий жиҳатдан зарарли бўлган барча фаолият турларини тақиқлайди. Масалан, қиморбозлик фаолияти билан шуғулланиш ёки гиёҳванд моддалар етиштириш, унинг олди-сотиси ва бошқалар шулар жумласидандир.

2. Ислом шахсининг қонуний йўл билан олинган мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тан олади ва айни вақтда шахсга ўз мол-мулкни оқилона сарфлашни ва уни тежашни, беҳуда сарфламасликни буюради ва исроф қилишни тақиқлайди.

3. Бирор кишига ортиқча мол-мулкни сақлашга рухсат берар экан, Ислом жамиятининг фаровонлиги учун ортиқча даромаднинг маълум бир қисмини закот тизими орқали камбағал, аҳолининг ёрдамга муҳтож қисми орасида тақсимлайди.

4. Инсон табиатига хос бўлган бойлик тўплаш ва ундан фойдаланишни тартиблаштиради. Ушбу тизим бир неча одамнинг қўлида бутун жамият бойлигининг тўпланишига ва бу бойлик фақат улар томонидан тасарруф қилинишига рози бўлмайди. Шунинг-

ничных денежных переводов может повлиять на ослабление внутреннего спроса.

Создание антикризисного фонда и его пополнение, в том числе за счет привлечения средств международных финансовых институтов, а также аккумулярование средств на счетах специальных фондов с их дальнейшим направлением для оказания помощи населению и бизнесу, потерявшим доходы в период карантина, будут способствовать сглаживанию отрицательных последствий от пандемии.

В сложных условиях снижения покупательной способности населения в результате падения доходов особая роль отводится малому бизнесу и, в частности, малым промышленным зонам. В этой связи намечено создание рядом с густонаселенными пунктами, где хорошо развито предпринимательство, малых промышленных зон на базе пустующих и не предназначенных для сельского хозяйства земель. На создание необходимой инфраструктуры дирекциям малых промышленных зон выделяется из бюджета 100 млрд. сумов. Земельные участки в зонах будут продаваться предпринимателям по рыночной стоимости с правом владения. Если этот опыт оправдает себя, то во втором полугодии 2020 года будет выделено дополнительно 150 млрд. сумов.

Осуществляется оптимизация разрешительных функций ответственных ведомств на организацию бизнеса в

малых промышленных зонах, сокращено число выдающих заключение организаций и совершенствуются процедуры путем взаимной интеграции баз данных этих организаций. По программам семейного предпринимательства 70% средств будут направляться на проекты малого и среднего бизнеса, предусматривающие создание рабочих мест для лиц с низким достатком⁴.


Реализуются меры по широкому привлечению в предпринимательство средств международных кредитных организаций, по выработке соответствующих предложений в разрезе каждого региона. Разработаны программы широкого информирования предпринимателей о направлениях и условиях получения таких кредитов через организованные в коммерческих банках инвестиционные центры.

Малые промышленные зоны будут созданы во всех районах республики на базе неиспользуемых объектов

крупных предприятий, на землях несельскохозяйственного назначения. Внедряется порядок, в соответствии с которым 65% расходов на подключение МПЗ к сетям электро-, водо-, газоснабжения, связи, подведение к ним дорог будет покрываться из государственного бюджета.

Сформирован перечень проектов бизнесменов, сталкивающихся с проблемами, и реализуются меры по оказанию им практического содействия. Выявляются причины простоя субъектов малого бизнеса для налаживания адресной работы с такими предприятиями и помощи в решении проблем для возобновления их деятельности.

На развитие предпринимательства предоставляются кредиты на значительную сумму, которые на более чем 90% покрываются государственными средствами. Активно работают с малыми предприятиями коммерческие банки, которые осуществляют поддержку пред-



⁴ Определены меры по сокращению бедности через развитие предпринимательства и профессиональное обучение. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-uzbekistana/8615-tadbirkorlikni-rivojlantirish-va-kasbga-tayyorlash-orqali-kambag-alliknikamaytirish-choralari-belgilandi-2>.

принимателей на протяжении всей их деятельности, являясь настоящими бизнес-партнерами своих клиентов. В январе-апреле 2020 года банками пролонгированы сроки платежей по 75% кредитов физических и 58% кредитов юридических лиц, по которым наступили сроки оплаты⁵.

В целом, согласно докладу Центрального банка Республики Узбекистан, на протяжении января-марта 2020 года внутренние макроэкономические условия оставались стабильными, несмотря на некоторое замедление активности, обусловленное ростом неопределенности и рисков, связанных с распространением пандемии коронавируса, введением внутренних и внешних ограничительных мер, а также ухудшением конъюнктуры на мировых рынках.

Со снятием ограничительных мер экономическая активность будет постепенно возвращаться к докризисным уровням, на достижение которых потребуется некоторое время. Результаты международных исследований показали, что после окончания карантинного периода в среднем требуется 3-12 месяцев для того, чтобы экономика, в том числе ее наиболее затронутые карантинными ограничениями отрасли, вернулась к допандемическому уровню.

В частности, выявлено, что экономическая активность восстанавливается быстрее в электротехнической и легкой промышленности, в промышленно-

сти строительных материалов, сфере строительных работ, финансовых и медицинских услуг (средний период восстановления – 2-3 месяца).

С учетом того, что малый и средний бизнес способен быстрее восстанавливать производственную деятельность после кризисных потрясений, а также то, что в малых промышленных зонах осуществляется производство широко востребованной продукции, к 2022 году МПЗ смогут успешно решать поставленные перед ними задачи.

Дальнейшему развитию действующих малых промышленных зон и образованию новых МПЗ будет содействовать ряд мер и механизмов, способствующих созданию высокоэффективных промышленных зон.

Мониторинг реализации инвестиционных проектов выявил целый ряд проектных предложений, неэффективных или необеспеченных ресурсами, необходимой проектно-

сметной документацией. В результате было предложено пересмотреть 169 проектов в малых промышленных зонах в Джизакской, Наманганской, Самаркандской, Сурхандарьинской, Ташкентской и Хорезмской областях и принять соответствующие меры по замене данных проектов перспективными.

Для устранения подобных случаев важным является разработка «Дорожной карты», направленной на осуществление комплекса работ по рассмотрению, утверждению инвестиционных проектов, намечаемых к реализации в малых промышленных зонах, увеличение инвестиций путем привлечения иностранных инвесторов в малые промышленные зоны, создание конкурентоспособной промышленной продукции, востребованной на внутреннем и внешнем рынке.

Формирование новых промышленных зон со слабо развитой инфраструктурой требует высоких затрат на создание



⁵ Обзор денежно-кредитной политики за I квартал 2020 года. – Ташкент: Центральный банк Республики Узбекистан. 2020. С. 4.

дек, мерос қолдириш ва уни тақсимлаш ҳам белгиланган мезонлар асосида тартибга солинади.

5. Умуман олганда, Ислом шариати томонидан назарда тутилган иқтисодий тизим ижтимоий адолатни мақсад қилиб қўйган, бу эса якка тартибдаги корхона ёки тадбиркорнинг нафақат жамоа, балки якка ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олишни назарда тутди.

Ислом банкларининг ватани бўлган араб мамлакатларидан ташқари ривожланган мамлакатларда ҳам ислом банкларининг сони ортиб бормоқда.

